

У зотдан ривоят килинади: «Менинг кечаси тонггача Залзала билан Кориъа сураларинигина такрор-такрор ўкишим ва у иккисини тафаккур қилишим кечаси мутлако Куръон ўкимай қўйишимдан яхшироқдир», дедилар. Набийдан (соллаллоху алайхи васаллам) ривоят килинади: «Икки кохиндан, яъни Курайза ва Назр кабиласидаги кишилар ичидан Аллох таолонинг Китобини билувчирок киши чикади», дедилар. Суфён айтадилар: «Хадисда келган зот Мухаммад ибн Каъбдир». У зот масжидда ваъз қилаётган вақтларида ўзлари ва асхобларини том босиб, хижрий 108-санада вафот қилганлар.